



ФАН, ТАРАҚҚИЁТ ВА ЁШЛАР

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОЎРСАТИШНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ

Қарши-2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ФАН, ТАРАҚҚИЁТ ВА ЁШЛАР
(9-нашр)**

**Илмий-амалий конференция
материаллари**

III-ЖИЛД

Қарши
“Қарши давлат университети” нашриёти
2016

9) Ўсмирлик ёшида сўзга кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз камчиликларини тан олмаслик, урушқоқлик, такаббурлик каби салбий характер хислатлари ҳам табиий бир ҳол сифатида ўсмир характерида пайдо бўлиб, ундаги кўполлик, агрессивлик, тарбияси қийинликни келтириб чиқариши мумкин.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият 2008. -176 б.
2. Жабборов А. Педагогик психологиянинг этник асослари. Т.: Зарқалам. 2006 й. - 48 б.
3. Шоумаров Ғ.ва бошқ. Оила психологияси. Т.: Шарқ 2010 й. -295 б.
4. Ғозиев Э. Психологияси. -Т.: Ўқитувчи. 1994. - 224 б.

ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ТАЯНЧ УСТУНИ

Психология таълим йўналиши талабаси: Махатова Н.

Илмий раҳбар: Файзиева М.

Оила – ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак насллар учун бетакрор тарбия масканидир. Шу боис мамлакатимизда барча хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажак гини таъминлаш мақсадини рўёбга чиқармоқда. Зеро, оилада шаклланган соғлом муҳит фаровон турмуш, осуда ҳаёт тарзимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Ҳар бир одам бу дунёда бахт-саодатни фақат ва фақат оиласидан топади, ҳар кимнинг қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб бориши, аввало, улғайган муҳити ва олган тарбияси ҳосиласига бевосита боғлиқ. Зотан, оилани миллий қадриятларимиз ҳамда замонавий қарашлар уйғунлиги асосига қуриш – кечаги кундан хулоса, бугунидан маъно ва эртанги кунга ишонч билан яшаётган халқимиз танлови, мустаҳкам маънавий илдизларга таяниб яшаш саодатидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботида 1990-2015 йилларда Ўзбекистонда оналар ўлими 33,3 фоиз қисқаргани қайд этилди. Ривожланиш кўрсаткичлари бўйича

фарзандларимизнинг 92 фоизи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши қайд этилди. Тошкент шаҳрида Жанубий Корея давлатининг беғараз ёрдами билан қиймати 130,6 млн АҚШ доллари бўлган кўп тармоқли замонавий болалар шифохонаси қурилиши бошланди.

Оила мустаҳкамлиги - бу жамият мустаҳкамлиги ва демак, давлат барқарорлигининг асосидир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, “оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир”.

Оила деб аталмиш қўрғонда авлодлар камол топади. Шунинг учун бу қўрғоннинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига эришиш нафақат маълум бир мамлакат доирасида, балки дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода масалага эътибор бериладиган бўлса, дунёдаги йирик ва нуфузли халқаро ташкилот - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан эътиборан ҳар йили 15 май кунини *Халқаро оила кун*и сифатида нишонлашга қарор қилгани таҳсинга лойиқдир.

1948 йил 10 декабрда Америка Қўшма Штатларининг Нью - Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 217А (Ш) резолюцияси билан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” 16-моддасининг 3-қисмида “Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли” деб белги-ланган. Ўзбекистон “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”га 1991 йилнинг 30 сентябрида қўшилган. Мазкур халқаро ҳужжат мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси қўшилган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Конституциясида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг «инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини» (“Муқаддима”дан) тасдиқлайди.

Республикаимизда “Оила” илмий-амалий маркази ташкил этилди. Мамлакатимизда 1998 йилни “Оила йили”, 2012 йилни “*Мустаҳкам оила йили*”, 2016 йилни “*Соғлом оила ва бола йили*” деб эълон қилиниши ҳамда қатор йилларга ном бериш негизида юртимизда оила институтини, аввало, ёш оилаларни

ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёллари-мизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам.

Оила аталмиш кўргон чин маънода муқаддас бир даргоҳки, уни химоя қилиш ва мустаҳкамлашга оид ҳуқуқий асослар, қарорлар, давлат дастурлари - барча барчасининг моҳиятида оилаларнинг иқтисодий, маънавий эҳтиёжини қондириш, барқарорлигини таъминлаш, шу аснода жамият тараққиётини илдамлаштириш каби эзгу мақсадлар ётади. Мустаҳкам оила қуриш, фаровон ва бахтли турмушга эришиш, авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковатига, оила, жамият ва давлат олдидаги ўз масъулият ва бурчини чуқур англашига боғлиқ. Халқимиз орасида қарор топган азалий қадриятларни асраб-авайлашда, маънавий ҳаётни юксалтиришда, жамиятда инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, бизнинг миллий табиатимиз ва урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли, бузгунчи ғоя ва таъсирларга қарши туришда оила ва таълим-тарбия муассасалари мустаҳкам таянч вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинди. Бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан ижтимоий сиёсатда устувор вазифа этиб белгиланган жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги юксак ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Кадрлар тайёрлаш, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларининг қабул қилиниши, болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш каби фарзандларимиз ва халқимизнинг бахти учун, келажакимиз учун қилинаётган эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

90	<i>Мухаммадиева М., Саъдуллаев Б., Ёзиев Э.</i>	Психологияда ўсмирлик даври муаммоларининг ўрганилиши	227
91	<i>Махатова Н., Файзиева М.</i>	Оила – жамиятнинг таянч устунни	234
92	<i>O'sarova G., Beknazarova L.</i>	Ilk o'spirinlik davrida uchraydigan sevgi-muhabbat hislarining psixologik tavsifi	237
93	<i>Қодиров А., Шафоатов З.</i>	Muhandislik grafikasida hamkorlikda o'qitish texnologiyasining amaliy ahamiyati	239
94	<i>Namazov N. Шафоатов З.</i>	Muhandislik grafikasini o'qitishda didaktik o'yin texnologiyasining o'rnini	240
95	<i>Бურიев С., Қоржовов Б., Эгамов Э.</i>	Тасвирий санъат асарларини бадий таҳлил қилишга ўргатишнинг аҳамияти	242
96	<i>Садинова Г, Бердиев Н., Қоржовов Б.</i>	Тасвирий санъатдан тематик композициялар ишлаш	244
97	<i>Rustatova I., Rahmatullayeva Sh.</i>	Xalq ertaklarining tarbiyaviy ahamiyati	247
98	<i>Amirova G., Rahmatullayeva Sh.</i>	Ona tili darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	250
ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ			
99	<i>Маманова А., Жабборов Э.</i>	Кинояни шакллантирувчи тил унсурлари	252
100	<i>Tursunpulatova G., Mo'minova S.</i>	Ayol qalbi manzaralari	256
101	<i>Баҳромова Г., Мулинова С.</i>	Муаллиф нутқи ва унинг эстетик аҳамияти	258
102	<i>Валиева З., Каролова Ш.</i>	Усмон Азимнинг поэтик маҳорати	261
103	<i>Davlatova B., Shodmonov N.</i>	“Qobil ila Hobil” dramasiда insoniylik talqini	263
104	<i>Boymirova D., Tojiyeva G.</i>	“Momo yer qo'shig'i” qissasida qo'llanilgan frazeologizmlar tahliliga doir	266